



Хар канча сокликбилан бу ердатурган бўлсакхам ишимиз кундан-кунга кўркинчлик эди. Агар бу йўл яна золимлар кўлига тушар эканман, у вақтда мен учун қандай жазолар қўллашлари маълум эди. Шунга кўра солор(Йирик дунган қабилаларидан бирининг номи.) дунганларидан Юсуф қори деган бир шоғирдим кўп қийинчиликлар билан Тошкентдаги Хитой консулидан Исмоил охун номида ясама паспорт қилиб менга келтириб берди. Бу келгунчалик Тўқмоқдаги оилаларим билан кўришиб, сафар ҳаракатларини бажариб турдим. Шу орада бизнинг кадрдон оғайниларимиздан ва ҳам қўшқудамиз, узун йиллар Тўқмоқда турган, асли тошкентлик, [кейинчалик] Гулжада вафот топган Шохидоят қорим бутун бойлигидан ажраган ҳолда ҳеч ерга сўқмаганликдан қочиб Сўқулукка келмиш эди. Ўзимни билдирмай туриб, бошқалар орқалик унга ёрдам етказиб турдим. Биринчи ётган еримда беш-олти кундан ортиқ турмаган бўлсам ҳам, иккинчи ўрин - атрофига беда босган қамиш қодир ичида эллик икки кун турдим. Сўнгра қўнғимга бир ташвиш тушгандай бўлиб, у жойдан бошқа бир жойга ўтдим. Худо сакламиш экан мен қўчиб эртаси қуни бир милиция билан икки киши қелиб, том усти қодирларигача чиқиб текширибдилар.

Байт:

Кишини сакдаса у Холиқи Пок,
Захар оғизда бўлғай мисли тарёқ.

Шу иш бўлгандан сўнгра бу ердан ҳам тезроқ йўтқалишимиз(Алмашиниш, жой ўзгартириш (уйғурча).) лозим қўриниб, Шарқий Туркистонга ўтиш нияти билан иккинчи мартаба сафар қамалғасини қилишга қиришдим. Ўз дўстларимиздан дунган Хиёз мутавалли ҳам биз ўхшаш қочқоқлардан эди. У билан қўришиб, ҳамсафар бўлишга ваъдалашдик. Йўлга

чикишга кун белгилашиб, шу кечаси барча ахбоб, ёр-дўстларимиз йиглашиб келишдилар. Тарикат ахллари одатларича хатм ўкиб, дуо-фотиха ўтказган сўнгида Оллохга таваккал килиб, Сўкулук устидан тўртинчи Чуй станциясига караб арава билан йўлга чикдик. Эртаси куни Чуй сувидан кема оркали у томонга ўтиб кетаётганимизда куруллик рус тўсковуллари олдимиздан чикиб бизни текширгани турди. Хуржун-халажларимизни ағдариб барини кўриб бўлгач, йўлдошимдан паспорт сўради. Худо ўнглаб ўз отига олган хитой паспортини кўрсатган эди, бир нарса умидида йўқдан чаток чиқариб, бизни кўп кийнади. Бу ерда энг хайрон коларлик иш шулки, йўлдошимни шу кадар узундан-узун текширган холда негадир мендан бир огиз ҳам сўз сўрамай кетаверди. Ортидан биз даги йўлга тушиб шу юрганимизча хуфтон вақтида Чуй станциясига етдик. Беш-олти соат ўтиб Олмаота поезди келгач, тушиб жўнадик. Сари Ўзак деган жойга келганимизда шу ерга тушиб колдик. Турксиб поезди эса шимолий томон - Сибириёга караб бурилиб кетди. Кеч куз вақти, совук каттик бўлиб, кор бўрашалаб(Бўрон, шамол аралаш.) ёғиб турган эди. Поезддан тушган кишилар баримиз станциядаги бир кичик уйга кириб ётдик. Кун изгирин, печкага ўт ёкилмаган эди. Карасам, хар тарафдан жон кутқариб чиккан одамлар, кўплари биз ўхшаш ўз элига сигмаган, золимлар томонидан ноҳак қувгинга олинган ҳақсизлар экан. Бу ерга келганимизда шундай сўз чикдиким, олдимиздаги йўл усти манзилда ГПУ аскарлари йўловчиларни каттик текширув остидагина ўтказар экан. Агар бирорта шубҳалик одам, топилиб колган холда уни йўлдан қайтаришгина эмас, балки кўлга олиб камаб қўйишлари якинрокдир. Мана бу сўзни эшитгач, Тошкентдан чиккан Хитой элчихона хизматчиларидан бошка ҳамма кишилар кўркувга тушиб йўлдан қайтмокчи бўлдилар. Карасам, бечораларнинг қуввати қочиб, ранглари учган, бир-бирларига ишонолмаганликдан сирлашиб маслаҳат қилиш каби ишлар халқ ўрталаридан бутунлай кўтарилган. Ўзлари қулган бўлиб кўринсалар ҳам кўнгиллари гам-қайгуга тўлганликдан юзлари саргайган эди. Бу ишга ҳаммадан кўпроқ мен қайгуришим керак эдиким, зулм ҳукмларини мени м устимга юклаганлари учун қаршилиқ кўрсатмиш эдим. Аксинча кўнглимга бошқалар каби ортикча кўркинч тушмагач, Оллохга таваккал қилиб олга юрмокчи бўлдим. Умрим ичида қанчалик огир ишларни, кўп кўркинчлик қулларни бошимдан кечирдим. У чоғда кўнглимдаги имон-эътиқодим, Оллохга ва унинг ҳақ Пайғамбари Мухаммад-алайҳиссаломга қилган муҳаббатим эса мен учун энг қучли қишончим ва энг ортик суянчим эди. Начора, бу каби қиний ишлар сирларини ўзи татимаган бечоралар қайдин била олсинлар? Иймонлик қишиларга хар вақт бу улуг давлат насиб бўлгусидир.

Таниган-билган одамларга бу йўлдан қайтмасга маслаҳат берган бўлсам ҳам, ҳеч қайсилари бунга журъат қила олмадилар. Улардан ажрагач, ҳаёл суриб, уйдан қиқишим билан тараклаб кетаётган уч-тўрт бўш араваларга кўзим тушиб уни тўхтатдим. Карасам, биз юрар йўл устидаги қишлоққа борадиган руслар экан. Улар билан қелишиб аравага тушгандан сўнгра кечгача юриб, бир катта саройга етдик. Бу эса неча томонлаб, айниқса, Олмаота улуг йўлининг қелиб қўшилган еридан қурилиб, ўз вақтида кўп обод қутилган бўлса ҳам, инкилоб бузғунлигида уни эгалари ташлаб қочган эканлар. Олмаота, Челақ, Норин, Толгор, Қўром қишлоқларидан уй-жойларини ташлаб, бола-чақалари билан чиккан мусулмонлар билан шу ерда кўришдик. Лекин бола-чақа билан қўчганлар кўпинча консул орқали Хитой паспорти олганликдан уй-асбоб, аравалар билан чиккан эканлар. Бу сарой ичига қирганимдан кейин энг ачинарлик огир бир манзара кўзимга кўрина бошлади. Шундоқки, қун каттик совук, ўт ёккан, сарой қутган ҳеч қим йўқ. Ичига похол тўшаган бўлса ҳам, оёқ остида пайхон бўлган, узундан-узун қоронгу уй ичида

юзлари кайгулик кишилар тикилиб ётмиш эканлар. Совукка чидаёлмаганлар эса уй ичида ўт ёкканларидан бурун ёргудек аччик тутун билан уй тўлмиш эди. Айникса, ўзи бемор бир ёш хотиннинг оёк остида ётган икки касал болалари устида термулиб йиглаб, ўлтирганини кўргач, унга каттик ачиндим. Бало тушганда бари кишилар ўзлари билан бўлишиб, раҳм-шафкат каби фазилатлик ишлар ҳам хақикий мўминлардан бошка кишилар кўнгилларидан бутунлай кўтарилар экан. Йўлхат текширувчи тўсковуллар олдимизда бўлиб, бошкача ўтиш мумкин бўлмаганликдан баримиз кўркинчада колдик. “Садака балони кайтарур”(Бухори, 3/1340-41, 1343.) деган Пайгамбаримиз сўзлари хотиримга келди эрса, икки боласи билан очлик-ялангочликда ётган касал шу хотунга таом ва акчадан садака бердим. Уни суюнтирган холда шундай кўчага чиксам, бир юк машинаси келди. Унга караб: - Бизни Олтин эман довонига элтиб ташла, сенга мунча акча берамиз, - десам, у хам: - Бир шартим бор. Икки той юким тогдан ўйга(Пастлик, жарлик, жар.) кулаб кетган. Шуни чиқаришиб берсанглар, сизларни олиб кетар эдим, - деди. Биз буни ганимат билиб дархол машинага тушдик. Бирок ўзимизни ишчиларга ўхшатиш учун сафар белгиси хуржун-халашларимиз кўринмаслиги керак эди. Шунинг учун кўлларида йўлхатлари бор, бола-чакалари билан аравалик кетаётган, Олмаота атрофидан чиккан торончиларга(Шаркий Туркистоннинг жанубидан Или дарёси бўйларига кўчирилган уйгурлар, мўнгулча “экинчи” демакдир.): - Тўсковул олдидан ўтиб олгуниimizча шу нарсаларни аравангларга солиб кўяйли”, - деб илтижо килсакхам қабул килмадилар. Сўнгра шу ёкка ҳукуматнинг молини юклаб кетаётган рус аравакашларига беш-олти сўм акча бермокчи бўлиб хуржунларимизни топшириб бериб, йўлга тушдик. Шу билан бизни тўсковуллар олдидан тарақлатганича ўтказиб, беш-ўн чакирим юргач тоғ белига тўхтади. Ваъдамиз бўйинча сой ичида ётган икки той юкни минг машаккатлар билан юкорига чиқаргач, машинасига солишиб кўйдик. Олтин эман ошувини ошгандан сўнгра Бошчи саройига тушдик. Бу ерда Сўкулук дунганларидан Хонжоз халфа деган киши, от-арава, бола-чакалари билан бу саройда ётган экан. Олтин эман довонида кор-бўронга қолишганликдан икки кўлини совук олиб, ишга ярамай хайронликца турмиш эди. Мен учун бу иш кўпкулай кел-гани устига булар хам мен каби ишонимлик ёрдамчига мухтож эдилар. Шунингучун баримиз биргаликда ишимиз ўнгланиб, аравачи хизматини бажарган холда йўлга туш-дик. Орада икки кўниб, Бўри гужур кишлогига етганимизда карасак, бу ерга юкоригилардан хам каттикрок тўсковул кўйилмиш экан. Шундай бўла туриб, ичаро(Шу ерлик, шу ерда ишлаб юрган.) аравачиларидек камчини судраганимча коровулхона, олдидан ўтиб ўн беш чакиримча юргач, саломат Ёркант шаҳрига етдик. Бу ердан Хитой чегараси Кўргос кирк олти чакирим йўл бўлиб, Шаркий Туркистонда бўлган Жунгория ўлкасининг гарбий чегараси хисобланганликдан бу шаҳар илгари-кейин тарихий ва сиёсий катта аҳамиятга эга эди. Бу ердаги кўпчилик тургун халқбу тарихдан тахминан икки юз йилларча илгари Олти шаҳардан келтирилган, асллари уйгур бўлса хам ўзаро торончидеб аталади. Буларнинг келиб чиқиш тарихлари вақти келгач ўз ўрнида ёзилгусидир.

Бу шаҳар чор ҳукумати вақтида ободон бўлиб, яхшигина безатилмиш эди. Айникса, бу ернинг энг буюк обрўлик бойларидан хайр-саховатлик давлат эгаси марҳум Валибой эдиким, энг сўнги ок подшоҳ чакиригига борганида унга хурмат либоси кийдирмиш эдилар. Бу киши Хитой пойтахти Бежин(Бежин - Пекин.) шаҳридаги аждархо суратида ясалган хон саройи нусхасида килиб Ёркант шаҳрида бир масжид ибно килдирган эди. Хозирги кунларда эса уни ҳукумат ўз қарамоғига олмишдур.

1931 йили биз ўтганимизда шундайин харобликка келмиш эдиким, ҳуқуқ эгалари бўлган

энг тубанги баъзи ишчилардан бошка бутун шахар халки кочиб чегарадан ўтмиш эдилар. Илгари кенг, богу бўстон жойлари эса, биз келар кунлари бахтсиз мазлумлар кўнгиллари каби синдирилган холда, кул тепаларга айлантирилмиш эди. Биз даги бойўгли кушларидек бўлиб, шу чолдевор хароба уйларнинг бирига тушиб жойлашдик. Мана шу ерда мен ташвиш остида Худога сигиниб, арангдан зўрга икки кун турган сўнгида Абомуслим деган бир торончи болани йўлбошчи килиб, шахардан чикдик. Ўз ишида мохир бўлгани учун хамманинг овкат ейиш вакти чоҳ тушда олиб чикмиш эди. Шахар четига чиккач, мазор олдидаги калин камиш ичида укки кушдек окшом коронгуси тушгунча шу ўринда чиркайга(Чивин (киргизча).) таланиб ётдик. Кўз коровлашиб коронгу тушган чоғда йўлбошчимиз яёв, биз икковлон отлик йўлга тушдик. Чегарага етгунча кишлок оралатмай яширин йўллар билан юриб ўлтириб, Октом кишлоги сиртида бир чакиримча ердан ўтаётганимизда хуриб ўтган бир ит товуши йирокдан эшитилиб турмиш эди. Бу ердан ўн-беш чакирим чамали йўл юрганимиз сўнгида чукуррок бир сойлик ерга келгач бироз дам олмокчи бўлиб тушдик. Сўнгра йўлбошчимиз: - Кани юрайли, - деб турди эса, биз даги эргашганимизча юравердик. Бир-икки соат йўл юрганимиздан кейин йирокдан калин дарахтлик кишлок кўриниб эди, икки соат илгари хуриб турган ит товушини яна йирокдан эшитиб колдим. - Адашган ўхшаймиз, пайкаб карайли, - деб йўлбошчимизни тўхтатдик. Син-чиклаб карасак, оркамизга кайтиб, тўппа-тўгри яна Ёр-кантга кетаётган эканмиз. Буни кўргач, йўлбошчимиз каттик кўркинча тушди. Йўлсиз тўкайларнинг ичи билан, юриб ўлтирганимизча Кум тоғи этагига етдик. Кумдан-кумга ошиб ўлтириб, тўрт томони тоғдек кумлар билан саксовулликбир озголга(Чукурлик, ўй.) тушгач, бўрон-шамол бўлиб, кор ёға бошлади. Ичар сув йўклигидан кор эритиб ичдик. Ёккан саксовул ўтида хўл бўлган усти-бошларимизни куришиб, ўт ости кизиган кум устида ётдик. Кеч билан шу эшилган кум тоғлари ичидан оралаб юрганимизча эртаси тонг вакти билан чегара Кўргос сойи устига етдик. У вақтлар 1931 йили тикан симтўри тўсилмаганликдан хар бир соатда чегара сокчиларидан икки отлик аскар узилмай катнаб турар эди. Отларимизни панарок бир чукур ичига бойлаб кўйиб, ўзимиз эса буларнинг ўтиб кетишини юкоридан пайкаб турдик. Ўтишлари билан тўхтовсиз юкоридан тушганимизча Кўргос сувини кечиб, Хитой чегарасига ўтдик. Оллох ёрдами билан бу йирткичлардан кутулдик. Энди иккинчи хитой йирткичларига йўликмаслик чорасини килишимиз керак эди. Йўлбошчимиз киши билмас яширин йўллар оркали юриб ўлтириб, тун якинлашганда белгиланган ерга етказди. Шу билан хаёт оламини азоб зиндонига айлантирган большевик зулмидан вақтлик бўлса ҳам кутулгандек бўлиб колдик. Кўзимизга бу ерлар бошка жахондек кўринмакда эди. Тун бўйи юриб чарчаган кишилар донг котиб ухлаб колмиш эдик. Уйғонишимиз билан саройчимиз: - Хой меҳмонлар, ҳукумат исковучлари келиб колмасдан илгарирок бу ердан кўзголиб кетсанглар баримизга ҳам яхши бўлур эди, - дегач, дарров харакат килиб йўлга тушдик. Бирок сафардан келаётганимизга белги бўлгудек бирор нарсамиз-да бўлмагач, сўкма йўлни кўйиб, катнов йўлга кирдик. Бир-икки чакиримча юрганимиздан кейин йўл бўйича курилган хитой аскархонаси борлиги йирокдан кўринди. Бундан кирк-эллик кадам юкорирок жойда ясалган минорача устида ҳам бир коровул ўтган-кетганларни текшириб турмиш эди. Булар олдидан ўтиш биз учун анча гир бўлса ҳам бошка чорамиз йўклигидан ўтишга мажбур эдик. Бирок биз у ерга якинлашаётганимизда, нима бўлди экан, караб турган коровул юкоридан аскархона кўргонига кириб кетди. Буни кўргач, биз ҳам от юришини тезлатиб кўргон эшигидан эллик кадамча ўзган эдикми, “хўй-хўй” деган чакирик товуши кела бошлагач, йўлдошимга: -Карама, карама, - деб, эшитмаган кишидек кетавердик. У ҳам иккинчи чакирмай, Худо

ўнглаб, бундан ҳам зиёнсиз ўтиб олдик.

Шу билан юриб ўлтириб ўрталикдаги тўкай ичида кета-ётганимизда чегара сакловчи шива-сўлон(Кўчманчи хитой кабилаларининг номлари.) черикларидан(Аскар (чиг. туркча).) куруллик бир отлик одам олдимиздан чика келиб: - Хой, тўхта! Каердан келасизлар? Нарёкдан ўтган кишиларга ўхшайсизлар. Йўл хатларинг борми? - деб, бунинг дахшатини кўргач, бошка сўз айтгали бўлмади. Хиёз охун хитой паспортини кўрсатиб эди, унга карамай ёнига солиб олиб: ёмулга(Идора (хитойча).) юринглар! - деб бизни хайдаганича йўлга тушди. Йўлдошим иккови хитойчалаб нари-бери айтишиб, ярим соатча юрганимиз сўнгида карасам иш кўпаядиган ўхшайди деб, бир тадбир ишлатмакчи бўлиб: - Хой лўя(Зобит, офицер (хитойча).), рухсат килинг, тахорат синдириб олайли,- деб шу ерга тушдик. Сўнгра уни четга чакириб: - Бу кишининг бўлса پاسпорти, кучлик йўл хатлари бор. Каерга олиб борилса ҳам фойдаси йўк, курук оворачилик бўлади. Ундан кўра бир оз чой пули олиб берсам, кандай бўлар экан? - деган эдим, “чой пули” кулогига киргач: “Моҳу(Яхши, маъкул (бузиб талаффуз килганда “моҳу”).), моҳу”,- деб дарров сўзи юмшаб колди. Йўлдошим бунга рози бўлмаган бўлиб турса ҳам, мен зўрлагандек бўлиб кўриниб, йигирма тангани кўлига беришим билан оркасига карамай чопганича кетди.

Байт:

Кадри йўк гавхар сўзинг олчок кишилар олдида,
Дурни тахсанг на билур, ит огзига ташла суяк.

Шу билан бунинг ҳам огзи ёпилиб кайтиб кетиши билан биз ҳам шу юрганимизча юриб ўлтириб, Суйдунг шахрига етдик. Бу эса Или ўлкасида курилган шахарлардан бири. Йўловчилар саройида бир кеча ётиб, эртаси куни Гулжа шахрига караб йўлга тушдик. Бир соатча йўл юрганимиздан сўнгра Кура шахрига келдик. Кура Или ўлкасида курилган тўккиз кўргон ичида энг ахамиятлиги, айникса, харбий томондан ўлка бўйича ҳукумат маркази хисобланур эди.

Бу ерга келгач, эркин ҳаётда ўз ихтиёрича яшаётган бахтлики кишиларни кўриб каттик таъсирланмиш эдим. Чунки коммунист ҳукумати курилган кундан бошлаб буларнинг шумкадамлигидан тирикчиликка керак хар нарса кахатчиликка учраган эди. Чегарадан ўтгач карасак, дўконларда хартурлик моллар тикилиб ётибди. Бошка давлатлардан келтирилгандир деб гумон килиб сўрасак, бу молларнинг хаммаси совет томонидан юборилмиш экан. Бу ҳукумат курилган кундан бошлаб ўз халкининг хар кандай кийинчилик, огир ахволда яшаётганига карамай, балки бутун нарсаларини иктисодий тузук килиб, бошкаларни ҳам бу йўлга тортиш учун чет элларга чикариб туришни ўзига конун тутмиш эди. Совет ҳокимияти остида эзилаётган ерлик халклар эса бутун оиласи баробар жон кучлари билан ишлаб, ўз тупрокларидан чикарган халол меҳнат молларининг юздан бирига ҳам эга бўлолмайдилар. Ёлғизгина меҳнат ҳосилотига эга бўлмаслик эмас, балки булар кўл остида яшовчи кишилар эса инсоният ҳуқуқларидан бутунлай маҳрум этилган холда хайвонларча эрк-ихтиёрсиз хизмат этишга мажбурдирлар. Дунё яратилиб инсон насли ер устига таркалган кундан бошлаб ҳеч бир замонда бу каби аклдан ташкари бузук маслакли, олчок одамлар халк устида ҳукмрон бўлмаганлиги маълумдир. Шунинг учун “Энг огир, дахшатли кун кайси?” деб Пайгамбаримиздан биров сўраганда, “Харомзода ўгли харомзодалар халк устидан ихтиёрсиз ҳукм юргизса” - дедилар(Бухорий, 15/7045 га биноан; Бухорий, Китобун-никоҳ, 11, 160-ҳадис (арабча нуса).). Яна Расулulloҳнинг айтишларича, хар бир инсон умри

узилгунча офат-балолар ичра яшамокка маж-бур. Лекин хаёт оламида бўладиган барча балолар ичида бутун халк учун энг ёмонроги кўр боло экандир. Чунки бундан Пайгамбаримиз ўзлари ҳам панох тилаб, ундан сакланишга буюрдилар. (Бухорий 4/6297, 6507 дагилардан мулхам ифода; Ахмад ибн Ханбал, муснад. 4-жилд, с.420; 3-жилд, с.419 (арабча нусха).)

Энди, кўр балоси кайси, деб сўралурса, ўзлари билмаган, билмаганларига тушунмаган бирмунча жохил нодонлардурким, аклик олимлар бошлик бутун халк устидан курул кучи билан мажбур равишда хукмрон бўладилар. Халк тақдири бутунлай булар кўлида бўлгач, улар учун булардан энгдахшатлик, зарарли офатлар тугилади. Шунинг учун хар ишда тўғрини эгидан, яхшини ёмондан ажратгудек ақл-фаросатдан йирок бўлган хукумат бошчилари эса бечора халк бошига келган кўр боло бўлишлари шубхасиздир.

Пайгамбаримиз айтдилар: - “Мен Оллохтаоло томонидан бир йўл келтирдим. У эса ёруғ, юмшок, текис йўлдир. Тўғри йўлдир. Боши бу дунёда бўлиб, нариги боши у дунёда жаннатдир. Бу йўлнинг қоловузи Мухаммад алайхиссалом, кўлланмаси - Куръондир. Агар умматларим анинг кўрсатганича динларини кутиб, у йўлдан четга чиқмас эканлар, бутун офатлардан омонда бўлиб, Оллох ризосини топгайлар. (Термизий, Манокӣб, 31 (арабча нусха)даги хадисга ишорат.) Агар бундай бўлмас экан, Оллох айтди, аларнинг бошига бир боло юборурманким, хар кандай билимлик, доно кишиларни ҳам хайронликда қолдиради”.

Мана Расулulloх айтганларидек бутун дунё бўйича энг етук сиёсий арбобларни хайратга қўйиб, қорасиз қолдирган нарсаси эса шу устимиздаги коммунизм балосидан бошқа эмасдир. Чунки юқорида айтилган Пайгамбаримизнинг мўъжизаси сўзлари шу кунларда бўлаётган ишларнинг нақ ўзи эканлигини кўриб турамыз. Энди бу қабилалардан қутулиш учун Расулulloх кўрсатган хақиқий Исломиётга, Куръон кўрсатган йўлга қайтишдан бошқа қораси йўқдир.

Яна ўз сўзимизга қелдик. Сари Ўзакдан чиқиб, Гулжа қараси томон беш-олти кун йўл бўйлаб қелаётганимизда мени энг ақинтирган нарсалардан бириси қўчманчи қозок қардошларимизни энг оғир ахволда қўришим эди. Чунки совет тупроғи бўйича қайси ўлкада бўлса ҳам ҳеч бир миллат булар қабилаларнинг қариндошчилигига ўқиб, қаттиқ зарар қўрмаган бўлсалар қарам. Бунга далил инқилоб олдида саккиз миллион ҳисобланган қозок халқи ҳозирги тарих 1968 йилда олинган маълумотга қўра, ўч миллион қолмишдир. Айниқса, Балхаш қўли атрофидан бошлаб, Қоронқўл, Қизилжар қалаларига қараб, экинсиз Қоракўм қўлларида яшаётган, қорвачилиқдан бошқа қилар оқатлари бўлмаган, ўзлари учун, халқ учун қол қозок қўчманчи ерликларнинг қўлларидаги қорлик қолларини бу қарамсиз, тошқорак қалъалар бирданига қортиб олдилар. Бунинг натижасида тирикчилиги ёлғиз қорвага қолган қозок халқи оқликдан қилиб қетди. Бунга қарши ўзларини халқ қамқўрлари атаган давлат арбоблари - коммунист қарамлари ҳеч қандай қораси қўрмадилар. Ўқса, ўттиз биринчи йил бошланиб, ўттиз ўчинчи йиллари қўлик қўчга қирган, Қозогистон бўйича тарқалган қарачилиқдан қозок халқи бутунлай қилишга бошлади. Ўш қўчлари эса Қирғизистонда Қоракўл, Иссиққўл атрофидан қелтирилиб қўл бўйларига тахлаб қўйилган ҳисобсиз арпа-қўғдойларнинг, олишга қавбат етмаганлигидан, ости-ўсти қилиб қарам қаздан қўқариб ётмиш эди. Ерлик халқларнинг ўлик-тириклари бу динсизлар олдида қоробар бўлганлиги учун, ўзларидан қосиб олган ҳисобсиз қўғдойларнинг хар ерда қилиб ётишига қармай, халқнинг қилишига қози бўлдилар. Энди эса энг қарам қоларлик иш шўлки, қарадар қўрбонлар қериб ўтқазган оғир қўчларини ўнутган қолда

туркулусинингаслўгилларикиргиз-козоккардошларимиз диний-миллий хисларини йўқотиб, бўйи сакланиб кела-ётган она тилларидан ҳам ажраш устида турадилар. Она тилдан ажради, демак, инсоният ҳаққини саклаёлмай ҳаёт оламида бошқалар ҳисобига яшаганликдан инкирозга учраб, тарих юзидан бутунлай ўчирилди демакдир. Энди бунинг бирдан-бир чораси диний хислари йўқолган бўлса ҳам, миллий хисларини саклаш учун турлик йўсиндаги она тил адабиётларини кўтариб, илмий тиллар каторига етказишлари лозимдур.

Шу сафаримда чегарага еткунимча оч-ялангоч болаларини туяга юклаган, орқада очликдан калдирашиб(Гандиракламок.) пиёда юролмай кетаётган эр-хотин, козок аёлларига йўл бўйлаб кўп учраган эдим. Ўша вақт улардан каттик таъсирланганим учун чегарадан ўтгач, уларни эскариб, кўрган ахволни ёзишга мажбур бўлдим.

Шу билан Курадан чикиб, Гулжа томонга караб йўлга тушдик. Тахминан йигирма беш чакиримча юриб Гулжага яқинлашиб келганимизда Бўёндой шахри харобаси ёнидан ўтишга тўғри келди. Бу эса Кошгарда ўн икки йил ҳукум сурган 1270 тарих хижрийда (милодий 1853 йилда) бутун Шаркий Туркистон ўлкасини хитой боскинчилари кўлидан ажратиб олиб, уйгур турклари томонидан хон кўтарилган Ёкуббек оталик(Олий ҳокимлик унвони (чиг. туркча).) даврида бу шаҳар хароб бўлмиш эди. Шундоқки,

Уйғуристон-Олтишаҳардан Или ўлкасига аскарлик хизмати учун хитой хони буйруғи билан мажбурий равишда кўчириб келтирилган уйгур торончилари хитойларнинг зулмларига чидаёлмай, дунган мусулмонлари билан бирлашган ҳолда золимларга қарши кўзғолмиш эдилар. Бу ёқдан Ёкуббек оталик жанубий Олти шаҳарни хитой боскинчиларидан тозалагач, шимолий томондаги Жунгория маркази ҳисобланган Урумчи шахрини иттифокка келмаган, сулҳга унамаган жохил дунганлар билан уришиб, галаба қозонгандан кейингина қўлга келтирди. Сўнгра шимолий томондан келиб, бутун Гарбий Туркистонни босиб олган рус боскинчиларга қарши сиёсат қўлланиб, Гулжа ҳокими торончи Корасултонни бирлик-иттифокликка ундаб элчи юбормиш экан. Бу жохиллар бошчиси ўзининг онгсизлигидан асосий мақсадни тушунмасдан уларни рад қилиб, курук қайтарди. Йўқ эса, оталик талаби билан ўша вақтдаги Туркия султони Абдулазиз халифа томонидан юборилмиш олти нафар турк афандилар уйғур-ўзбек ўгилларидан тузилмиш оталик аскарларини бутунлай янги интизом остига олмиш эдилар.

Ёкуббек оталик Хиндистон маликаси Англия кироличасига икки қайта, Туркия султони халифа Абдулазиз хазратларига итоат билдириб бир марта элчи юбормиш эди. Бунинг натижаси бўлиб, ўзининг манфаати учун киролича томонидан биринчи навбатда ўн минг, иккинчи навбатда эса йигирма тўрт минг пистонлик милтик сов-рун берилмишдир.

Халифа томонидан эса оз-кўп уруш қуроллари билан аскар ёсолларини харбий хизматларни йўлга қўйиб тартибга солиш учун юқоридаги афандилар келмиш эдилар. Мана шулар орқалик Ёкуббек оталикнинг яёқ(Пиёда.) аскарлари ва бошка бутун харбий ишлари эса турк аскарлари тартиблари бўйича тузилмиш эди. Шу сабаблик ўзларидан канча кўп ортиқ қарши аскарларни енгиб, оз фурсат ичида Урумчи шахрини қўлга келтирдилар. У ердан ўтгач Кутибий, Сонжий, Шихуга яқинлашганларида бунга қарши шошилиш равишда Олмаота губернатори қўмондасидан чиққан рус боскинчилари Гулжани босиб олдилар. Шу билан канчалик мусулмонлар қонлари бадалида янгигина қурилган Корасултон давлати асоссиз иттифоксизликдан руслар билан бир тўқнашувга ҳам ярамай, заволга учради.

Энди устида шунчалик тарихий сўзлар ёзилишга сабабчи бўлган Бўёндой харобасидан ўтганимиздан сўнгра шаҳарга қарашлик Дўнг маҳалла билан Кўргонтеги Кура дарвозаси

остига келдик. Ўрта аср турмушларини эскартган хитой одатларига кўра шаҳар чевралари(Атроф, теварак (чиг.туркча)) беш-олти метр эгизликда тупрок кўргонлари билан ўралиб, тўрт томонидан тўрт дарвоза кўйилмиш эди. Дарвоза тошида от туёғи ботгудек балчик кўрмаган бўлсак ҳам дарвозадан киргач, тиззадан юкори сассик кора боткок кечиб шаҳар ичига кирдик. Сўнгра сўраб ўлтириб, бир ерда тугилиб, бир кентда ўсган, Тўкмокдаги ўз махалламиздан кетишган уйгур Олмосбек хожи ўгиллари Турди охунбек, Курбонтой кори уйларига келиб тушдик. Уй эгалари бошлик зал тўлган одамлар югурганларича чикишиб бизни карши олдилар. Карасам, шунча кўп кишилар ичида бирови ҳам ёт эмас. Тўкмок, коракўллик, кўриб-билиб юришган ўз огайниларимиз эканлар. Киши тонг(Хайрон, ажабланарли, ажаб (уйгурча).) колурлик ишдурким, менинг учун кайгуришиб сўзлашиб ўлтиришган вақтларида сўзлари хали тўхталмай туриб устиларига келган эканмиз. Мени кўргач, барилари хаждан келган оталарини кўргандай бўлиб кувонишиб кетдилар. Айникса, коракўллик уйгурлардан Иброхим охун Октазма, яна бирови оти эсимдан чикмиш савдогар йигит, бу эса Тўкмокда турган чоғда кезик(Тиф (чиг.туркча).) касалига мубтало бўлмиш эди, меним тажрибам сабаблик шифо топган эди. Бошимда эски кулокчин, усти-бошим хароб, оёгимда ишламчи(Ишчи, оддий.) ўтуғи, мени бу холда кўргач, ичлари огриганликдан кўнгиллари кайгуриб, кўзлари ёшланмиш эди. Кўришмаган, кулок ошик дўстларимиз хар ерда кўп бўлгани учун менинг келганим буларга байрам кунларидек кўриниб, уккан-билганлар узок-якиндан хафта ўн-кунлаб узилмай келгани туришди. Уч кун ўтмай туриб бош-оёк, кийим-кечакларимиз янгиланиб, ёр-дўстларимиз томо-нидан зиёфат чакириклари бошлангани турди. Шу ер одати бўйича бошлаб Турдиоохунбек бизнинг хурматимизга бутун Гулжа бой савдогарларини, кози, муфтий, аълам(Етук конуншунос, шариат илмида касак даража сохиби (арабча)), охунлари бошлик кўзга кўринар кишиларни чакириб, бир улуг зиёфат ўтказди. Бунинг туганчисида боши кимхоб тўн, оёғи тоза нарсадан кўйнак-иштон бир тўккиз(Бир тўкккиз-тўккизтадан.) кийимлик, бўхчага тугилган, устига от туёғи ёнбу(От туёғи ёнбу - от туёғи шаклидаги куйма кумуш (тахминан 3 кг).) кўйилган тортикни халк кўзида келтириб менинг олдимга кўйди. Шу билан бирга бойлар орасида зиёфат бошланиб кетиб, яна бир-икки жойларда ёнбуси билан тўккизланган тортиklar бўлди. Лекин ойларча, балки йилларча давом этган шу каби катта зиёфатларда кўрган хурмат, сий-сифатлар(Сийлаш, эъзозлаш.) эса кўнглимдаги дардлик жарохатларга шифо бериш эмас, туз кўйгандек бўлиб сезилмакда эди. Чунки, катта-кичик бой, савдогарлари, муфтий-аълам, охунлари бошлик бутун халк гафлат уйкусида ётган, жахлат балчигига бутунлай ботган эдилар. Бунинг устига иктисодий тузок-копконлари хар кадамда курилмиш, моддий-маънавий томондан халокат чукурлари пардаланган холда хар ерда казилмиш экан, ҳеч кайсилари парво килмасдан булар атрофида парвонадек жон курбон эдилар. Айникса, булар овини кўрган, тузокларига тушиб, уришиб қочган бой савдогарларнинг кўра-била туриб килган ишларига караб, “Кўргилиги бўлса кўзи кўр бўлар экан” дейишга мажбур эдим. Шундок ҳам бўлса огир кунларимда кўнглимни кўтариб, мен учун хизмат кўрсатган дўстларимни Оллох раҳмат килсин. Чунки бу воқеадан ўттиз етти йил ўтган сўнгидагина бу тарих ёзилаётганлигидан юкорида айтилмиш ахбобларимиздан икки-уч кишигина қолиб, бошқалари эса ҳаёт олаmidан кўзлари юмулмишдур. Ўз вақтида уларга ёрдамим етмаган бўлса ҳам, рухларига фотиha ўкиб, килган яхшиликларини унутмаганлигимдан тарих юзида эскариб, бу ўринда ёздим.

Алихонтўра Соғунийнинг
"Туркистон кайгузи" китобидан